

ЎЗБЕКИСТОНДА МУЛҚДОРЛАР ҚАТЛАМИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Раҳманкулов Фарход Раҳимкулович

Термиз давлат педагогика институти Фалсафа ва маънавият асослари
кафедраси ўқитувчиси

Телефон рақами: +998996740086

E-mail: fedizara07@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10250322>

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда хусусий мулкчиликни ташкил этилиши, мулк тушунчаси, мулкдорлар қатламининг пайдо бўлиши ва уларни конституция ва қонун ҳужжатларида мустақамланиши бўйича фикр ва мулоҳазалар умумлаштиришга ҳаракат қилинди.

Калит сўзлар: мулк, мулкдорлар қатлами, хусусийлаштириш, мулккий муносабатлар, тадбиркорлик.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида хусусий мулкчиликка алоҳида эътибор берилди. Жамиятимизда мулкдорлар қатлами юзага келиши қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида юзага келди. Мулкчилик ва мулкдорлар билан боғлиқ дастлабки қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат 1990-йил 31-октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонунда мулкнинг ҳуқуқий мақоми, мулк ҳуқуқининг объектлари, мулк шакллари, хусусий мулк, оилавий мулк, маҳалла мулки, кооператив мулк, мулкнинг дахлсизлиги, ҳар қандай шаклдаги мулкчиликка эга бўлишига рухсат берилиши, фуқароларда мулккий ҳуқуқларнинг пайдо бўлиши, мулкдор бўлиш ҳуқуқи, мулкдорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби ҳуқуқий асослар йўлга қўйилди. Мазкур қонун орқали мамлакатимиз фуқаролари том маънода хусусий мулк, шахсий мулк, мулкдорлик ҳисси унинг ҳуқуқий оқибати ҳақида маълумотга эга бўлишди.

Мамлакатимизда кейинги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат жамиятда ҳақиқий мулкдорлар қатламини шаклланишига олиб келди. Ушбу ҳужжат 1991-йил 15-февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни эди. Қонун орқали дастлаб жамиятда тадбиркор деган ҳуқуқий термин юзага келди, тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мустақиллигини кафолатланди, тадбиркорлик шакллари яъни яқка тартибдаги фаолият, ёлланма меҳнатни жалб этиш асосида амалга ошириладиган тадбиркорлик, жамоа тадбиркорлиги ёки ҳамкорликдаги тадбиркорлик юзага келди. Бундан ташқари, тадбиркорлик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, тадбиркорлик масъулияти каби ҳуқуқий асослар яратилди.

Сўнгра мамлакатимизда мулкдорлар қатламининг ҳуқуқларини умумий асосда ҳимоя қилувчи, уларга ҳар томонлама шароит яратиб берувчи барча қонун ва ҳуқуқий ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий манбаси, фундаментал асоси ҳисобланмиш, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси қабул қилинди. Қабул қилинган қомусимизда, мулкчилик муносабатлари, мулкдор бўлиш, мулкчилик шакллари ўз ифодасини топди. Бу борада тадқиқотчи О.Арипов биринчи конституциямизнинг моддалари орқали ўзининг куйидаги жадвали билан мулкдорларнинг конституциявий ҳуқуқларини ёритишга ҳаракат қилган. Булар:

1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ишбилармонлик муҳитини ривожига йўналтирилган ҳуқуқий шарт-шароитлар¹

53-модда	Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади.
36-модда	Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли, шунингдек, банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.
54-модда	Мулкдор мулкига ўз ҳоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.
25- модда	Ҳар кимнинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлиги таъминланади.
26-модда	Суд жараёнларида тадбиркорларга ўзини ҳимоя қилишлари учун барча шароитлар таъминланади.
42-модда	Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.
44-модда	Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.
53-модда, 2-хатбоши	Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.
55-модда	Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур.

Ушбу жадвалда келтирилган моддалардан кўриниб турибдики, қабул қилинган биринчи конституциямизда мулкдорлар қатламинининг ҳуқуқлари асосий қонун даражасида тўлиқ ҳимоя қилинганлиги, улар ўз мулклари орқали мамлакатда эркин тарзда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкинлигини аниқлатган.

Ўзбекистон истиқлол йилларида эркин бозор муносабатларига ўтишни мақсад қилиб олди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, хусусийлаштиришни амалга оширди. Ушбу жараёни амалга ошириш учун 1994-йил 21-январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-745-сон Фармони қабул қилинди.

Тадқиқотчи О.Норбоев ўзининг диссертацион ишида, “Давлатнинг мулкдорлар синфини шакллантириш бўйича фаол сиёсати ўзининг дастлабки натижаларини берди. Жумладан, ислохотларнинг ушбу босқичида давлат турар-жойлари тўлиқ хусусийлаштирилиб, бунинг натижасида 1,1 млн. хонадон ўзининг аниқ эгасини топди. 1992-1993- йилларда кичик хусусийлаштириш амалга оширилиб, бунинг натижасида савдо, хизмат кўрсатиш, маҳаллий, енгил, озиқ-овқат саноати, автомобил транспорти,

¹ Арипов О. “Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш” Фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Тошкент: 2020. – 99- б (253 б)

қурилиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тизимига қарашли деярли 54 мингта кичик ва ўрта корхоналар тўлиқ хусусий мулкка ўтди”² деб ёзади. Тадқиқотчи томонидан берилган статистик маълумотладан кўриниб турибдики, истиқлолнинг дастлабки йилларида халқимиз ўзининг азалий орзуси бўлган ўз мустақил ерларига эга бўлиши, мулкдорлик ҳиссини англаб етиши, қолаверса тадбиркорлик билан шуғулланиши учун давлат томонидан қулай шараит яратилганлигини ва бу борада ҳуқуқий асос сифатида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўзини самарасини берганлигини таъкидлаш зарур.

Юқорида келтирилган ҳамда таҳлил қилинган норматив-ҳужжатларни ўрганишимиз жараёнида шу масалалар аниқ бўлдики, мамлакатимизда мустақиллигимизнинг биринчи ўн йиллигида мулкчилик муносабатлари, мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, мамлакат аҳолисига хусусийлаштириб бериш, мулкдорлар қатламини пайдо бўлиши, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шароитлар яратиш каби масалалар амалага оширилган бўлса, кейинги даврларда эса тадбиркорларнинг сониини ошириш, уларни жаҳон бозоридаги фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар билан рақобат қилишлари учун шароит яратиш, турли хил жамоат фондларини ташкил қилиш, мулкдорлар қатламида миллий ўзликни англаш туйғуларини шакллантириш каби масалаларга бағишланган.

Ўзбекистонда мулкдорлик муносабатларини шакллантиришнинг ҳуқуқий жиҳатлари тўғрисидаги хулоса давлат органлари мулк ҳуқуқини янада кўпроқ ҳимоя қилиши ва инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини тижоратлаштиришни ўз зиммасига олиши билан белгиланади³.

Ўзбекистон қонунчилиги мулкдорлар ва инвесторларга кафолатлар бериб, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилмоқда ва иқтисодиётнинг турли соҳаларига инвестицияларни рағбатлантиришни амалга оширмоқда. Мамлакатда мулк ҳуқуқларини, рўйхатга олиш тартиб-қоидаларини ва интеллектуал мулкни ҳимоя қилишни тартибга солувчи турли хил меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Бундан ташқари, мамлакатимиз кластерлар таъсирини кучайтириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратилган фаолиятни фаол намойиш этмоқда⁴. Бунга махсус иқтисодий зоналар резидентлари ва иқтисодий зоналарни ривожлантириш учун белгиланган махсус қоидалар ва имтиёзлар кириб, бу эса тадбиркорликни сезиларли даражада ривожлантириш ва янги иш ўринларининг пайдо бўлишини ўз ичига олмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон корхоналар ва инвестицияларнинг янада самарали ишлаши учун ўз инфратузилмасини, жумладан, транспорт, логистика, энергетика ва коммуникация тизимларини фаол ривожлантирмоқда.

Умуман олганда, мамлакатнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш ва

² Норбоев О.А. “Миллий иқтисодиётда мулкчилик муносабатларини амалга ошириш механизмини такомиллаштириш” Фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Тошкент: 2020. – 50- б (154 б)

³ Rakhmankulov, F. R. . (2023). Problems of Maintaining a Sense of National Identity in the Context of Globalization. *Best Journal of Innovation in Science, Research and Development*, 2(10), 218–221.

⁴ Rakhmankulov, F. R. (2023, October). THE NEED TO FORM A SENSE OF SOCIAL RESPONSIBILITY AMONG THE OWNERS. In *Международная конференция академических наук* (Vol. 2, No. 10, pp. 17-19).

инвестицияларни жалб қилиш мақсадида Ўзбекистонда мулкчилик даражасини шакллантиришнинг ҳуқуқий жиҳатлари давом этмоқда ва такомиллашмоқда. Иқтисодиётнинг ўсиши ва Ўзбекистон фуқароларининг фаровонлигини қўллаб-қувватлаш учун келажакка олға қадам ташлаб, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш зарур.

References:

1. Арипов О. “Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш” Фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Тошкент:2020. – 99- б(253б)
2. Норбоев О.А. “Миллий иқтисодиётда мулкчилик муносабатларини амалга ошириш механизмини такомиллаштириш” Фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси.–Тошкент: 2020. – 50- б (154б)
3. Rakhmankulov, F. R. . (2023). Problems of Maintaining a Sense of National Identity in the Context of Globalization. Best Journal of Innovation in Science, Research and Development, 2(10), 218–221.
4. Rakhmankulov, F. R. (2023, October). THE NEED TO FORM A SENSE OF SOCIAL RESPONSIBILITY AMONG THE OWNERS. In Международная конференция академических наук (Vol. 2, No. 10, pp. 17-19).